

## Юридик бошқарма

---

### Юридик бошқарма

---

## Вакант

---

### Бошқарма бошлиғи

+998 71 207-67-68 (109)

+998 71 239-14-06

[yurxizmat@uzavtoyul.uz](mailto:yurxizmat@uzavtoyul.uz)

Тошкент шаҳар, 100000, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 68А уй

---

Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси бош юристконсултининг асосий вазифалари ва функциялари

---

- а) Қўмита ва унингтизимидаги корхона ва ташкилотларнинг ҳуқуқ жодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш;
- б) Қўмита ва унингтизимидаги корхона ва ташкилотлар томонидан ишлаб чиқиладиган (қабул қилинадиган) норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориш;
- в) Қўмита ва унингтизимидаги корхона ва ташкилотларнинг норма ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш масалаларида уларнинг таркибий тузилмалари ишини мувофиқлаштириш;
- г) Қўмита ва унингтизимидаги корхона ва ташкилотларнинг ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникатсия технологиялари орқали етказишда иштирок этиш;
- д) Қўмитанинг шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, уларнинг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ишончлиқ билан қилинишини таъминлашда иштирок этиш;
- е) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган талабларга мувофиқ юритиш;
- ж) Қўмита ва унингтизимидаги корхона ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунчиликни таъминлашга қўмаклашиш;
- 5. Бошқарма ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга

оширади:

- 1) қўмитаси ва унинг тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш соҳасида:
- а) Қўмита ва унинг тизимидаги корхона ва ташкилотларда қонун бузилишларини, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан таклифлар киритади, ушбу чора-тадбирларни амалга оширишда иштиради;
- б) Қўмита ва унинг тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг раҳбариятига тақдим қилинадиган буйруқлар, фармойишлар, шартномалар ва юридик тусдаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини уларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш ҳамда улар бўйича эътироз ва таклифлар бўлмаса, виза қўяди. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан Қўмитанинг барча бошқармалардан (ҳодимларидан) кейин виза қўйилади;
- в) жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда таъсир этадиган Қўмита қарорлари, ва буйруқлари юзасидан ҳулосалар беради;
- г) мустақил равишда ёки бошқа тузилмалар билан биргаликда Қўмитанинг буйруқлари, фармойишлари, шартномалари ва юридик тусдаги бошқа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида таклифлар тайёрлайди;
- д) Қўмитанинг тегишли тузилмаларида ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганади, таҳлил қилади ва умумлаштиради, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди ва раҳбариятга киритади;
- е) Қўмитанинг бошқа тузилмалари билан биргаликда мансабдор шахслар фаолиятида қонунчиликнинг бузилиш кўрсатилган аризалар, таклифлар ва шикоятларни кўриб чиқишда иштиради;
- ж) Қўмитанинг бошқа тузилмалари билан биргаликда бошқарув тизимини такомиллаштириш, Қўмита тизимидаги қорхона ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда иштиради;
- з) Қўмитанинг бошқа тузилмалари билан биргаликда меҳнат ҳақидаги қонунчиликка риоя этилишини таъминлаш, шу жумладан меҳнат муносабатларини тартибга солиш ҳуқуқий ҳужжатларни (меҳнат шартномаси, жамоа шартномаси, жамоа битими ва бошқаларни) ишлаб чиқишда иштиради, ушбу ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлигини текширади ва ҳуқуқий ҳулоса беради;
- и) Қўмита раҳбариятига Қўмита ва унинг тизимидаги бошқармалар ҳамда корхона ва ташкилотларнинг фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш аҳволи юзасидан ҳисобот тақдим этади;
- к) Қўмитанинг касба уюшмалари ва бошқа вакиллик органларига ваколатларини амалга оширишда юридик ёрдам кўрсатади;
- 2) Қўмитанинг бошқа тузилмалари томонидан ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назорат олиб бориш, шунингдек Қўмита, унинг тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг қонун ижодкорлиги фаолиятида иштиради, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш масалаларида унинг тузилмалари ишини мувофиқлаштириш соҳасида:
- а) Қўмита тизимидан норма ижодкорлиги фаолиятининг жорий ва истиқболли режаларини ишлаб чиқади ёки уларнинг ишлаб чиқишида, амалга оширилиши ва бажарилишини назорат қилишда иштиради;
- б) Қўмита ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштиради;
- в) Қўмитанинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқади ёхуд уларни ишлаб чиқишда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва давлат рўйхатига олиш учун юборишда иштиради;
- г) экспертизадан ўтказиш ёки келишиш учун тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини мустақил ёки бошқа тузилмалар билан биргаликда ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, уларнинг қонунчиликка, қонунчилик техникаси қоидаларига, ҳавола қилувчи нормалар

кўлланилишининг асослиги ва мақсадга мувофиқлиги, шунингдек уларда коррупцияга сабаб бўладиган омилларнинг мавжуд эмаслиги юзасидан ҳуқуқий ҳулосалар тайёрлайди;

- д) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича эътироз ва таклифлар бўлмаса, уларга виза кўяди. Бундолойиҳаларга юридик хизмат томонидан Кўмитанинг бошқа Бошқармаларидан (ҳодимларидан) кейин виза кўйилади;
- е) тизимли равишда Кўмитанинг тегишли соҳа фаолиятидаги амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг уларда коррупцияга сабаб бўладиган омилларни аниқлашга қаратилган таҳлилни ўтказди;
- ж) Кўмитанинг фаолияти соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этади;
- з) Кўмитага келиб тушган ва ўзи томонидан чиқарилган ҳужжатлар, шу жумладан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган талабларга мувофиқ юритади, уларнинг сақланишини ва назорат ҳолатида бўлишини таъминлайди;
- и) Кўмитанинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фондиди тўлдириш, шу жумладан фонднинг кодекслар, қонунлар, шарҳлар, ахборотномалар ва бошқа ҳуқуқий нашрлар билан бутлаш чораларини кўради, Кўмита раҳбариятига ҳуқуқий нашрларга обуна бўлиш ҳақида таклифлар киритади;
- к) Кўмита ва унинг тизимидаги корхона ва ташкилотлар юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштиради, келишилган ҳамкорликни таъминлайди;
- м) Кўмита ва унинг тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг ҳуқуқий ишларига методик ёрдам кўрсатади, юридик хизмат фаолияти йўналишлари бўйича тавсияномалар ва кўрсатмаларни ишлаб чиқади;
- 
- 3) Кўмита ва унинг тизимидаги корхона ва ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун ва аҳамиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказиш соҳасида:
- 
- а) Кўмита ва унинг тизимидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарияти учун қонунчилик масалалари бўйича таҳлилий материаллар тайёрлайди;
- б) Кўмита ва унинг тизимидаги корхона ва ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш тадбирларини ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритади, ушбу тадбирларни ўтказишда иштирок этади;
- в) Кўмита ва унинг тизимида қонунчиликни тарғиб қилиш ишларини амалга оширади;
- г) Кўмита ва унинг тизимидаги корхона ва ташкилотлар мурожаатлари бўйича уларга тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни топишга кўмаклашади, зарур ҳолларда уларнинг қоидалари бўйича тушунтиришлар беради;
- е) қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар ҳақидаги маълумотларни, суд амалиётини, Ўзбекистон Республикаси жойлардаги Адлия бошқармаларининг ҳуқуқий ишларга тааллуқли кўрсатмаларини Кўмита раҳбариятига етказди;
- 4) шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, Кўмита ва унинг тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг мулкий ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасида:
- а) давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек фуқаролар билан низолар вужудга келганда, мустақил ёки бошқа таркибий тузилмалар билан биргаликда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўради;
- б) бошқа тузилмалар билан биргаликда Кўмита томонидан шартномаларни тайёрлаш ва тузиш ишларида иштирок этади;
- в) шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилади;

- г) Қўмита ва унинг тизимидаги корхона ва ташкилотлар томонидан тузилган шартномаларни зарур даражада бажариш бўйича таклифлар киритади, шартномавий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этади;
- д) Қўмитанинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича талабномалар тайёрлашда иштирок этади ва уларни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;
- е) тегишли тузилмалар билан биргаликда Қўмитанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ахволини ўрганади, уларнинг миқдорини камайтириш чораларини кўришда амалий ёрдам беради;
- ж) шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво ишларини олиб боради;
- з) Қўмитанинг мулк ива бошқа манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлайдиган ҳама белгиланган тартибда суд мажлисларида иштирок этади;
- и) мулкни сақлаш масалалари бўйича ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар лойиҳаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текширади ва уларни тайёрлашда иштирок этади;
- к) бошқа таркибий тузилмалар билан биргаликда Қўмита ва унинг таркибидagi корхона ва ташкилотларда мулкнинг талон-торож қилиниши, камомад ва ноишлаб чиқариш ҳаражатларининг келиб чиқиши сабаблари ва шароитларини таҳлил қилади ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўради, мулкнинг талон-торож қилиниши ва камомад ҳолатлари бўйича материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юбориш учун расмийлаштиради;
- л) моддий бойликлар ва пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек қонун бузилишлари ва суистеъмоллар аниқланган аудиторлик текширувлари ва хатловдан ўтказиш далолатномалари бўйича ҳуқуқий хулосалар беради.
- м) Қўмитанинг юридик хизмати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.
- Юридик хизматга ушбу Низомда ёки бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган функциялар юклатилишига йўл қўйилмайди.

### [Низом юклаб олиш](#)